

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРНИ “ИЖТИМОЙ-ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ МАРКАЗИГА ЖОЙЛАШТИРИШДА” ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ВАЗИФАЛАРИ.

Равшанов Рустамжон Одил ўғли

ИИБ Академияси 2 ўқув курси курсанти

Аннотация. Ушбу мақолада вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъкил этиш, вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг сабаб ва шарт-шароитлари, ўзига хос хусусиятлари, уларга салбий таъсир этувчи омиллар ҳамда уларни бартараф этиш борасидаги тавсиялар ёритиб берилган.

Таянч тушунчалар: вояга етмаганлар, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассаса, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази, ғайриижтимоий хатти-ҳаракат.

Abstract. This article highlights the organization of juvenile delinquency prevention, the causes and conditions of juvenile delinquency, its specific characteristics, factors negatively affecting them, and recommendations for their elimination.

Key concepts: minors, specialized educational institution, center for social and legal assistance to minors, antisocial behavior.

Вояга етмаганлар ёки бола тушунчаси ҳар бир давлатнинг қонун ва қонун ости ҳужжатларида мавжуд. Вояга етмаганлар ва ёшлар бугунги кунда давлатларнинг асосий манбаи ҳисобланади. Шу сабабдан жамиятнинг айнан шу қатламига эътибор ҳар доим муҳим саналади.

Вояга етмаганларни ҳуқуқбузарликларни содир этишини олдини олиш ва ҳуқуқбузарлик содир этган, шунингдек, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойил бўлганларни тўғри йўлга қайтариш, уларга ҳар томонлама ёрдам бериш, касб-ҳунарга ўргатиш, бугунги кундаги турли ноқонуний тузилмаларнинг манфаатига хизмат қиладиган салбий ғояларнинг оқибатларини тушунтириш ва ҳуқуқий онгини юксалтириш давлатларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Бу вазифаларни амалга оширишда профилактика инспекторларининг алоҳида ўрни мавжуд. Жумладан, юртимизда вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, алоҳида шароитларда тарбиялаш ва таълим беришга муҳтож бўлган ёшлар билан ишлашда 2019 йил 29 май куни “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ 4342-сон Президент қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 август кундаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сон қарори қабул қилинди.

Ушбу қарор ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар назоратсиз ва қаровсиз қолган, ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган, давлат ва жамоатчилик ёрдамига муҳтож бўлган вояга етмаганлар билан ишлаш бўйича фаолиятни самарали ташкил этишда асосий норматив ҳуқуқий ҳужжатлардан бири ҳисобланади.

Қарорга асосан, вояга етмаган шахснинг қаровсиз қолганлигини аниқлаш бўйича профилактика инспектори ўзига бириктирилган маъмурий ҳудудда, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари томонидан оилаларда ўрганиш ва профилактика тадбирларини амалга оширади. Ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволдаги оилаларда яшаётган вояга етмаганларни аниқлаш ва улар билан манзилли ишлаш йўналишидаги ишларга фуқаролар йиғинлари раислари ва маҳаллалардаги хотин-қизлар фаоллари масъул этиб белгиланади. Вояга етмаган шахснинг қаровсиз қолганлиги давлат органлари, нодавлат нотажорат ташкилотлар ва фуқаролар томонидан аниқланган ҳолларда улар бу тўғрисида профилактика инспекторига хабар беради.

Профилактика инспектори ўзига бириктирилган маҳаллаларда қаровсиз бола аниқласа, бу ҳақида туман ички ишлар органлари бошлиғининг ўринбосари — жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғига навбатчилик қисми орқали хабар беради.

Профилактика инспектори боланинг шахсини аниқлаш ҳамда унинг ўқиши ва ҳуқ-атворини, оиласидаги муҳитни, қаровсиз қолишига сабаб бўлган омилларни бирламчи ўрганиш бўйича тадбирларни амалга оширади.

Бирламчи ўрганиш натижаларига асосан боланинг қаровсиз қолмаганлиги тўғрисида хулосага келинса, далолатнома тузиш орқали уни ота-онаси ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга топширади. Ёки бирламчи ўрганиш натижаларига кўра бола қаровсиз қолганлиги тўғрисида хулосага келинса, ушбу хулосани туман ёки шаҳар жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғига тақдим этади.

Жамоат хавфсизлиги хизмати бошлиғи хулосани кўриб чиқиб, болани Марказга қабул қилиш ҳақида йўлланма тайёрлайди ва уни Марказга юборади.

“Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш” марказидан қайтиб келган вояга етмаганлар профилактик ҳисобга олиниб, улар билан профилактик чора-тадбирлар олиб борилади.

Вояга етмаганларни “Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштиришда” профилактика инспекторининг асосий вазифалари:

- профилактика инспектор, вояга етмаганнинг ижтимоий, оилавий ва психологиявий ҳолатини тўлиқ таҳлил қилиши керак. Бу, уларнинг марказга жойлаштириш учун мақбул ёки номақбул эканлигини аниқлашга ёрдам беради;

- профилактика инспектори, маҳаллий органлар (масалан, ҳокимиятлар, оилавий ҳуқуқ идоралари) билан ҳамкорликда вояга етмаганларнинг ёрдамга муҳтож эканлигини текширади ва уларни марказга жойлаштириш жараёнини мувофиқлаштиради;

профилактика инспектори, вояга етмаганнинг ҳуқуқларини муҳофаза қилиш ва уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш вазифасини бажаради. Бу, уларнинг оиладан, таълимдан ва ҳуқуқлардан маҳрум бўлмаслигини таъминлайди;

профилактика инспектори, вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам марказига ўз вақтида ва тўғри жойлаштириш учун барча зарур расмий ҳужжатларни тўплаши ва жараёни назорат қилиши лозим;

жойлаштирилган вояга етмаганлар ҳолатини мониторинг қилиш, уларнинг ҳолатини назорат қилиш ва зарур ҳолатларда қайта кўриб чиқишни амалга ошириш.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 май кунидаги “Ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-4342-сон қарори;
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 3 август кунидаги “Вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 490-сон қарори;
3. Утепов Д. Ш. Республикамизда хотин-қизларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда оилавий зўравонликни олдини олишнинг долзарб муаммолари //Gospodarka i Innowacje. – 2024. – Т. 46. – С. 543-549;
4. Ниматов Ш. Н. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳозирги кундаги долзарб масала сифатида //Central Asian Journal of Multidisciplinary Research and Management Studies. – 2024. – Т. 2. – №. 1. – С. 136-140;
5. Адхамов З. А. Шахсларни зўравонлик хулқ-атворини ўзгартириш бўйича тузатиш дастуридан ўтказишда диний уламолар билан ҳамкорликнинг аҳамиятли жиҳатлари //the theory of recent scientific research in the field of pedagogy. – 2024. – Т. 2. – №. 20. – С. 114-117;
6. Гадоймиров Б., Ўзоқбоев Ш. Вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган жиноятлар тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари //Актуальные вопросы обеспечения прав женщин и предотвращения насилия в семье в Узбекистане. – 2024. – Т. 1. – №. 1. – С. 9-15;
7. Гадоймиров БО. Вояга етмаганлар маъмурий жавобгарлигининг бугунги кунда долзарблиги. Analysis of world scientific views International Scientific Journal. 2024;2(5):90-5.